

**Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи  
тадбиркорлар учун “Мобил савдо” хизматидан фойдаланиш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

**Мобил савдо** хизмат тури кўрсатилган хизматлар ва олинган маҳсулотлар учун тўловларни мобил телефон орқали тез ва қулай амалга оширишга имкон беради. Бунда, чакана савдо ёки пуллик хизмат фаолияти билан шуғулланувчи барча савдо шохобчаларининг ўз мобил телефони орқали харидорлар томонидан харид қилинган товар ва хизматлар учун тўловларни “Click” хизматига уланган мижозлардан қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.

Хизматдан фойдаланиш оддий бўлиб, бунда сотувчи кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасини ўз уяли телефонида **\*880#** USSD хизмати орқали сўровнома тарзида харидорнинг уяли телефонига юборади. Харидор эса мазкур сўровномани тасдиқлайди ва тўлов амалга оширилади.

Масалан, 10000 сўмлик маҳсулот(иш, хизмат) хариди учун тўловни амалга ошириш қуйидаги тартибда бўлади:

- 1) **Мобил савдо** хизмат турига уланган сотувчи мобил телефони орқали **\*880\*\*0\*харидорнинг телефон рақами\*10000#** USSD сўровни теради (“харидорнинг телефон рақами” харидор томонидан айтилади ва албатта уяли телефон рақами компания коди билан бирга терилиши лозим);
- 2) Сўнг харидорнинг уяли телефон рақамига мазкур тўловни тасдиқлаш тўғрисидаги СМС-хабар келади. Харидор **\*880#** терган ҳолда 1 рақамини киритиб, тўловни тасдиқлайди ва PIN кодни теради;
- 3) Шундан сўнг тўлов амалга ошади ва ҳам сотувчининг, ҳам харидорнинг телефон рақамига тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи СМС-хабар келади.

Шунингдек, агарда харидор ўзининг телефон рақамини бошқалар билишини истамаса, у ҳолда тўловларни бемалол ID-рақам орқали ҳам амалга ошириш имконияти мавжуд.

Бунда, тўлов харидорнинг телефон рақами ўрнига унинг ID-рақамини киритиш йўли билан амалга оширилади, яъни сотувчи мобил телефони орқали **\*880\*\*0\*харидорнинг ID-рақами\*10000#** USSD сўровни теради.

Пластик карта эгалари ўз ID-рақамини қуйидагича аниқлашлари мумкин:



Тадбиркорлар томонидан **Мобил савдо** хизматига уланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 1) Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ариза билан банк филиалларидан бирига мурожаат қилади;
- 2) Ушбу мурожаат асосида банк билан шартнома тузилади;
- 3) Банк мутахассислари томонидан дастурий шаклда виртуал терминал ҳосил қилинади;
- 4) Махсус web–интерфейс орқали кириш учун банкдан логин ва парол берилади;
- 5) Берилган логин ва парол ёрдамида [www.merchant.click.uz](http://www.merchant.click.uz) сайтига кириб, ташкилот масъул ходими (сотувчи)нинг уяли телефон рақами киритилиб, хизматга бириктирилади.

Бундан ташқари мазкур хизмат туридан юридик ва жисмоний шахслар фойдаланаётган пайтда интернетга уланиш талаб этилмайди, аксинча, мобил алоқа тармоғи ишлаб турса, кифоя.

Хизматдан 6 ой давомида фойдаланиш бепул.